

ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТЛАР ТУЗИШИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИС.А.Садиқова - катта илмий ходим изланувчи
Андижон давлат университети**Таянч сўзлар:** идеографик луғат, тамойил, семантик майдон, тезаурус, маданият тушунчаси.**Ключевые слова:** идеографический словарь, принципы составления словарей, семантическое пространство, понятие культуры**Key words:** ideographic dictionary, principles of compiling dictionaries semantic field, thesaurus, the concept of culture.

Маълумки, жамиятда юз берадиган ўзгаришлар тилнинг лексик қатламида ўз аксини топади. Шунинг баробарида у бойиб, янгиланиб, ёки аксинча, лексик қатламдаги сўзлар эскириб боради. Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси саналар экан, унинг барқарорлиги, яшовчанлиги, ундаги элементларнинг оз ёки кўплигига, сифатига эмас, балки элементлар ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада ташкил топишига, шаклланишига боғлиқ. Бу муносабатлар қанчалик ранг-баранг, мукамал ва барқарор бўлса, тил ҳам шунчалик бой, ифода имкониятлари кенг, қўламли катта бўлади [2].

Шундай экан, халқимизни, айниқса, камол топиб келаётган ёш авлодни тилимизнинг луғат таркибидаги ўзгаришлар, уларнинг ўзига хослиги, сўзларнинг маъно хусусиятлари ҳақида мунтазам бохабар этиб бориш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан саналади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Истиклол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз хиссасини қўшмоқда” [1].

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўзбек тилининг тарихи, субстанциал табиати, имкониятлари, бошқа тиллар сирасида тутган ўрни каби жиҳатларини ўрганиш ва ёритиб беришга бағишланган турли илмий ишлар билан бир қаторда этимологик, антропонимик, диалектал, топонимик, морфемик, синонимик, антонимик, омонимик каби луғат турлари нашр этилди. Бирок дунёнинг турли тилларида, хусусан, инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошқа тилларда идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив каби турлари нашр этилгани ҳолда ҳозирги ўзбек тилида идеографик луғатнинг яратилмаганлиги, назарий асослари ишланмаганлигини ўзбек луғатчилигининг навбатдаги вазифалари дейиш мумкин [3].

Шу маънода айтиш керакки, ўзбек тилида идеографик луғат яратиш масаласи ҳозирда долзарблик касб этаётган йўналишлардан бўлиб, бу борада қатор тадқиқотлар яратилган. Шулардан эътиборлиси тилшунос олим Ё.Ҳамраевнинг тадқиқотида ақс этган бўлиб, унда ўзбек тилида идеографик луғат яратиш тамойиллари белгилаб берилган.

Идеография сўзи юнонча *idea* — тушунча+*grapho* - ёзаман маъноларини англатиб, тилшуносликда идеограммага асосланган ёзув тизимини англатади. Идеографик луғат эса сўзларнинг алифбо тартибидан эмас, балки мавзувий (маъновий-мазмуний) тамойил бўйича жойлаштиришни назарда тутди [4].

Машхур рус тилшуноси Л.В.Шчерба ўзининг луғатчилик назариясига бағишланган мақоласида тезаурус ва идеографик (олим уларни идеологик деб атаган) луғатларни луғатнинг алоҳида-алоҳида қўринишлари сифатида талқин қилади. Олимнинг фикрича, тезауруснинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маълум тилдаги сўзларнинг барчаси, энг кам қўлланидиганлари ҳам, ҳатто нутқда бир бора учраганлари ҳам қайд этилади. Оддий (яъни одатдаги) луғатларни олим «фонетик сўзлар рўйхати» дея атагани ҳолда, идеографик луғатларга «сўз-тушунчалар ва уларнинг маънодошларининг тартибли тизмаси» деб баҳо беради [3;6].

Идеографик луғатларнинг қулай ва аҳамиятли томони шундаки, алифбо тартибидagi луғатларда сўзнинг синтагматик ва услубий-функционал хусусиятлари кўрсатилса, идеографик луғатларда сўзлараро синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуо-гипонимик, партонимик муносабатлар намоён бўлади. Бу эса ўқитиш тизимида талабаларни мустақил фикрлашга, янги сўзларни ўзлаштиришга, изланишга чорлайди, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради, оламни яхлит идрок этиш қўникмаларини шакллантиради. Бундан ташқари, тил ўрганувчиларга тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети ҳақида мукамал маълумотлар олиш учун қулай имкониятлар яратди. Ўз ўрнида қайд этиш керакки, луғатларнинг аксарияти ўқув характерида бўлади. Дарҳақиқат, «ўқув луғатлари ўқиш-ўқитиш мақсади билан

тузилади, талабалар ёки мактаб ўқувчилари учун мўлжалланади. Бундай луғатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўқув дастурини назарда тутиши, ўқувчи китобхонларнинг билим даражасини ҳисобга олиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради» [5].

Шундан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари талабалари учун Инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар тузиш, унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифалардан саналади.

Сир эмаски, олий ўқув даргоҳларида талаба ёшлар, аввало, юқори онг ва маданиятга ўргатилади. Уларда шу орқали умуминсоний фазилатлар шакллантирилади. Қолаверса, ўзга тилларни ўзбек тили билан солиштириб, қиёслаб ўрганишда уларда биринчи галда муомала-муносабат маданияти юксак бўлиши лозим. Шу нуктаи назардан олганда, талабалар учун «маданият» семантик майдонидаги сўзларни ўз ичига олувчи инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатлар тузиш мақсадга мувофиқ саналади. Ю.Н.Қараулов қайд этишича, семантик майдонларнинг мавжудлик, узвийлик, бутунлик, тарихийлик каби тўртта муҳим белгиси бор [6].

Унинг фикрига тилшунос олим Ё.Ҳамраева қўшимча равишда идеографик луғатларни яратишда асос вазифасини ўтовчи семантик майдоннинг миллийлиги, макон ва замонга боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни ҳам айтиб ўтган [3;6].

Луғат тузишда аини жиҳатларга эътибор қаратиш бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг янада самарадорлигини таъминлайди.

Маданият сўзи арабча бўлиб, биринчидан, цивилизация маъносини, яъни жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуини англатади. Иккинчидан, бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. Учинчидан, ўқинишлик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик, маърифат. Тўртинчидан, маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит. Бешинчидан, кишлоқ ҳўжалигида ўсимлик ёки экиннинг турларини етказиш, ўстириш, етиштириш маъноларини билдиради [4:521].

Изоҳдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маданият семантик майдони, ўз навбатида, яна қатор мазмуний майдонларга бўлинади. Масалан, турмуш маданияти, ҳукукий маданият, мусика маданияти, нутқ маданияти, деҳқончилик маданияти ва б. Ушбу мазмуний майдонлар ҳам кичик тармоқларга бўлиниб, улар қатор тушунчаларни ўз ичига олади. Масалан, турмуш маданиятига кийиниш, муомала-муносабат, овқатланиш, саломлашиш, санитария-гигиена, меҳнат қилиш, билим олиш ва ҳ.к. умуминсоний одат ҳамда қадриятларни киритиш мумкин. Ушбу тушунчалар инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар шаклида таълим-тарбия жараёнига фаол тадбиқ этилса, бу ҳол талабаларнинг келажакда ҳар томонлама юксак маънавиятли, маданиятли мутахассислар бўлиб етиштирилишида ўзига хос омил вазифасини ўтайди.

Ана шулар ичида муомала-муносабат маданиятини олайлик. Ушбу мазмуний майдонга учрашув, саломлашиш, танишиш, мулоқот, табриклаш, совға топшириш, узр сўраш, фикр билдириш, ҳамдардлик, маслаҳат, таклиф ва ҳ.к. каби-ларни киритишимиз мумкин. Хусусан:

инглизчада – *meeting*, ўзбекчада-учрашув, русчада-встреча,;
инглизчада-*greetings*, ўзбекчада-саломлашиш; русчада-приветствие,
инглизчада-*making an introduction*, ўзбекчада-танишиш;
русчада-знакомство,
инглизчада-*contacts*, ўзбекчада-мулоқот, русчада-общение;
инглизчада-*congratulation*, ўзбекчада-табрик, русчада-поздравление;
инглизчада-*gratitude*, ўзбекчада-миннатдорчилик, русчада-благодарность
инглизчада-*apology*, ўзбекчада-узр сўраш, русчада-извинение;

инглизчада-condolence, ўзбекчада-ҳамдардлик, русчада-соболезнование;

инглизчада-invitation, ўзбекчада-таклиф қилиш; русчада-приглашение;

инглизчада-approval, ўзбекчада-маъқуллаш, русчада-одобрение

каби тартибда лугатни давом эттириш мумкин. Бу орқали талабаларда «маданият» семантик майдонининг кичик бир тизимчаси — муомала-муносабат маданиятига оид сўз ва бирикмалар маънолари аниқлашади. Қайд этиш керакки, ушбу тизимчаларнинг ўзи яна кичик гуруҳларга бўлинади. Айни услуб орқали талабаларда муомала маданияти юксалтиради ва шу билан бирга, чет тилларини ўз она тилисига қиёслаб ўрганиш малакаси мустаҳкамланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки:

- ҳозирда ўзбек тили лугат қатламида юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмуни турли жабҳа ва йўналишларга оид сўз, атама ва ибораларни

ўзида жамлаган идеографик лугатлар тузишни тақозо қилмоқда;

- олий ўқув юртлирида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда, хусусан, чет тилларини ўзбек тилига қиёслаб ўрганишда инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик лугатлар тузиш тобора эҳтиёжга айланмоқда;

- мақолада таклиф этилган инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик лугатнинг қисқа намунаси ўқитиш тизимида талабаларни мустақил фикрлашга, сўзларни ўзлаштиришга ўргатиши, изланишга чорлаши, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириши, тил ўрганувчиларга хорижий мамлакатлар халқларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети билан танишишга имконият яратиши билан аҳамиятли саналади;

- келгусида ушбу лугатни тўлақонли тарзда яратиш ва уни босма, шунингдек, электрон нусхада тайёрлаган ҳолда, замонавий ахборот технологиялари, мультимедия воситалари орқали таълим-тарбия жараёнига тадбиқ қилиш кутилган самараларни беради.

Адабиётлар

1. Исом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008, 86-б.
2. Собиров А. Ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш. – Филол. фан. докт... дис. – Тошкент: 2005, 187-б.
3. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг идеографик лугатини тузиш тамойиллари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2010, 27-б, 2-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. – Т.: 2006, 2-жилд, 671, 173-б.
5. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002, 140-б.
6. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: «Наука», 1976. – С. 28-29;

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий ўқув юртлири талабалари учун инглиз-ўзбек-рус тилларида идеографик лугат тузиш йўлларини ҳақида фикр билдирилиб, унинг назарий асослари ўрганилган ва лугатнинг қисқа намунаси келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются теоретические и практические основы составления англо-узбекско-русского идеографического словаря для студентов высших учебных заведений.

SUMMARY

The article is devoted to the study of theoretical and practical bases of compiling English-Uzbek- Russian ideographic dictionary for the students of higher educational institutions.

THE CONCEPT “MOTHER/ANA” IN PROVERBS OF THE KARAKALPAK LANGUAGE

G.Usenova – scientific adviser

L.T.Seytjanova- student

Nukus state pedagogical named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: концепт, паремиялар, миллий лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик.

Ключевые слова: концепт, паремии, национальная лингвокультурология, когнитивная лингвистика.

Key words: concept, paremi, national linguoculture, cognitive linguistics.

Verbalization of the concept with paremiological units of language is conditioned, first of all, by the ontological nature of proverbs, which are directed to express the universal and national-specific cultural values. All the languages contain proverbs in their vocabulary stock and in many cases they are universal and represent general conceptual signs. Proverbs are considered to be national-culturally marked, as they express “indelible seal of the national character and national fortune”.¹

In proverbs of the Karakalpak language such features of the concept “mother” as “care and upbringing”, “hardness and difficulties of maternity”, “kindness”, “love” and “tenderness” are presented.

Let’s see the following proverbs:

1. Алтын гүмистиң гөнеси болмас,
Ата-ананың баҳасы болмас.
2. Ата-ананың ақылы, сайрап жатқан жол менен тең,
Ақыллының ақылы сарқылмайтуғын көл менен тең.
3. Ата-ананың тилин алған баланың,
Мәртебеси ҳәр жерлерде оттай жанар.
4. Ана мөхринен ата кәхәри артық.

In these proverbs the notions “mother” and “father” are highly evaluated with the help of the stylistic device simile: in the first example the parents (mother and father) are compared with precious stones, they are as invaluable as precious stones – gold and silver; in the second proverb wisdom of the parents is compared with a precious way. The proverbs in the third and forth examples have a didactic character and play an important role in upbringing of the young generation: children should do as parents tell and listen to them. Only in this case fortune and success will follow them; strictness of father is higher than care of mother.

Besides the word “mother” (ана) in the Karakalpak proverbs we observe the use of the word “ene”(ene). For example:

1. Атаның атағына қара,
Ененің затына қара.
2. Ата даңқы менен ул өседі,
Ене даңқы менен қыз өседі.
3. Аталастан алтау болғанша

Енелестен екеу бол.

4. Ата көрген оқ жонар,

Ене көрген тон пишер.

In the given proverbs there is a lexeme “ene/ene”, as the word “ene” is one of the synonymic words represented by the concept “mother”. The word “ene/ene” is a synonym of the word “ана/ana” in the first meaning *mother*, but in Karakalpak it also has the meaning “mother-in-law”, and the frequency value of this word in this meaning is higher than in the meaning “ана/ana” (mother).

The componential analysis let us reveal the difference in the structure of the meanings of the lexeme “ene/ene”. For the native speakers of the modern Karakalpak language the word “ene/ene” in the meaning of “mother” is not so actual, the word “ene/ene” in this meaning is considered to be an obsolete word, it is not characteristic for modern Karakalpak literary language.

In the following proverbs the word “шеше/sheshe” is used in the meaning of the word “mother”.

- 1) Атаның салған жолы бар,
Шешениң айтқан сөзи бар.

2) Шешели жетим басында, тарақ пенен қол ойнар,

Шешесиз жетим басында, сирке менен бийт ойнар.

3) Батыр болар баланы, шешесинен танырсаң

Адам болар жигиттиң мүшесинен танырсаң.

As we see in the examples, the word “шеше/sheshe” is also a synonym to the word “ана/ana”. The word “шеше/sheshe” is almost an absolute synonym of the word “ана/ana”, but it’s more neutral, it doesn’t have high, symbolic meanings, inherent to the word “ана/ana”. The lexemes “шеше/sheshe” and “ана/ana” have never been used in relation to the animals and religious people.

Let’s study the following proverbs:

1. Ананың кеули балада, баланың кеули далада.
2. Ананың ойы уяда, баланың ойы қыяда.
3. Ер бала ата-анаға таяу,
Қыз бала үйге жаққан бояу.
4. Ханнан бала уллы,
Баладан ана уллы.